

## МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИДА МАКТАБ ТАЪЛИМИНИНГ ЎРНИ.

Мирджамалова Н.З.

Катта ўқитувчи. ЎзДЖТСУ.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14306531>

**Аннотация.** Миллий ғоя ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида мактаб таълимининг ўрни ҳақида маълумотлар бериши.

**Таянч тушунчалар:** мафкуравий муассаса, ички таъсир, ташқи таъсир, “ғоя демасдан ғояни – сингдириш” тамойили, мафкуралашган адабиётлар, замонавий педагогик технологиялар (ЗПТ), ахборот коммуникацион технологиялари (АКТ), мафкуравий таъсир воситалари.

## THE ROLE OF SCHOOL EDUCATION IN THE FORMATION OF THE NATIONAL IDEA AND CIVIL SOCIETY.

**Abstract.** Providing information about the role of school education in the process of formation of the national idea and civil society.

**Basic concepts:** ideological institution, internal influence, external influence, the principle of "inculcation of the idea without saying the idea", ideological literature, modern pedagogical technologies (ZPT), information communication technologies (ICT), means of ideological influence.

## РОЛЬ ШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В ФОРМИРОВАНИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕИ И ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА.

**Аннотация.** Предоставление информации о роли школьного образования в процессе формирования национальной идеи и гражданского общества.

**Основные понятия:** идеологический институт, внутреннее влияние, внешнее воздействие, принцип «внушение идеи без высказывания идеи», идеологическая литература, современные педагогические технологии (ЗПТ), информационно-коммуникационные технологии (ИКТ), средства идеологического воздействия.

**Мактаб мафкуравий муассаса сифатида.** Жамиятдаги айрим муассасалар ўз хусусияти ва функциясига кўра мафкурага бевосита дахлдор муассасалар ҳисобланади.

Мафкура ўз моҳиятига кўра бўлинмас ва яхлит механизм бўлганлиги учун ҳам унинг амалиётини мафкуравий муассасалар ва унда фаолият юритувчи мафкурачи шахсларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Мафкуравий муассасалар деганда моддий товар ва маҳсулотлар ишлаб чиқармайдиган асосан, инсон онгини ривожлантириш ёки янада такомиллаштириш билан шуғулланадиган, фаолияти бевосита инсон онгига йўналтирилган ижтимоий институтлар тушунилади. Улар доирасига оила, маҳалла, барча таълим муассасалари (яъни, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, литцей ва коллежлар, олий ўқув юртлари, малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари), ижодкорлик уюшмалари (масалан: ёзувчилар уюшмаси кабилар), радио ва телевидения ҳамда сиёсий партиялар ва бошқа ахборот яратувчи ҳамда уни узатувчи муассасалар киради. Диний мазмундаги мафкуралар дунёвий мазмундаги мафкуралардан фарқли ўлароқ юқорида санаб ўтилган мафкуравий муассасалар қаторида

махсус ташкил этилган ибодатхона (масжид, черков, синоггия ва хакозо)лардан ҳам мафкуравий муассаса сифатида фойдаланадилар.

Жамиятдаги барча институт ва муассасалар ҳам мафкуравий муассаса ҳисобланавермайди. Бирор муассасага мафкуравий муассаса сифатида ёндашишнинг асосий мезони сифатида унинг муайян бир мафкура таъсирида эканлиги ва унда ғояларни сингдириш амалга ошириладилиги эътиборга олинади. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда мактаб энг асосий мафкуравий муассасалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ёш авлоднинг онги ва тафаккурини шаклланишида мактаб таълими ва ундаги педагог ходимларнингнинг роли беқиёс эканлигини ҳисобга олган ҳолда Президентимиз Ислон Каримов “агарки дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир”, дейди.

Дарҳақиқат, жамиятда миллий ғояни сингдириш амалиётида мактаб таълимнинг ўрни ва роли жуда юқори бўлиб уни тўғри йўлга қўйиш орқали бу муҳитда тарбияланаётган ҳар бир инсонни шахс сифатида шаклланиши учун қулай имконият вужудга келтириш мумкин.

Мактаб таълими орқали йўлга қўйилган ўқитувчи ва ўқувчи, ўқувчи ва ўқувчи муносабатларида “ўзаро фикр алмашувлар, ҳозирги давр, давлат ва мамлакатлар, инсоният тақдири ва истиқболи ҳақидаги мулоҳазалар ўқувчида аниқ-равшан тасаввурлар ҳосил этади ва уларга индивидуал муносабатлар, шундан келиб чиқадиган баҳоларни вужудга келтиради”.

Мактабда олиб бориладиган миллий ғояни сингдириш амалиётида илмий,

**Миллий ғоя, миллий тафаккурни шакллантирмай, таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилиш, одамларнинг онгини ўзгартириш, уларни умумбашарий мақсадлар сари йўналтиришдек мураккаб ижтимоий вазифаларни ечиш мумкин эмас.**

**Ислон Каримов.** (“*Ҳушёрликка даъват*” асаридан).

**Агар биз ўз куч, салоҳиятига ишонадиган, боқимандаликни ор деб билладиган, энг ривожланган мамлакатларнинг илғор кишилари билан тепа-тенг муомала қила оладиган, оқни қорадан, яхшини ёмондан ажрата билладиган, бу мураккаб, бешафқат ҳаётнинг пасту баланд, тангу тор кўчаларидан Аллоҳ берган ақл-заковати билан тўғри йўлни адашмай топа олишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаб етиштирсак, ўйлайманки, ўз мақсадимизга тўла эришган бўламиз.**  
**Ислон Каримов.** (“*Ҳушёрликка даъват*” асаридан)

умуминсоний ва миллий асосда шаклланган ғоялар ўқувчиларга шахсий ва ижтимоий мақсадини англаштида ва уларга бу мақсадларга тўсиқ бўлувчи вайронкор кучларни моҳиятини тушуниб етишларида беқиёс аҳамият касб этади. Зеро, мана шундай муҳитда ўқувчи ўз ўзлигини ва фуқаролик позициясини англаб этади. Ўз вақтида англаб етилган “мен” ва фуқаролик позицияси ўқувчиларда ижтимоий-сиёсий жараёнларда оқилона ҳаракат қилиш қўникмасини шакллантиради. Бевосита таълим тизими

орқали ўқувчиларда шакллантирилган мазкур кўникма ва малакалар уларнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан маданиятлилик даражасини белгилаб беради.

Таъкидлаш лозимки, ҳар бир шахснинг ижтимоий-сиёсий муносабатлардаги маданиятлилик даражаси жамиятда асосан, икки таъсир, яъни ташқи ва ички таъсир натижасида вужудга келади ва ривожланади. Ташқи таъсир бу - жамиятда мафкуралар, мафкуравий институтлар (яъни, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлиари, малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари), ижодкорлик уюшмалари (масалан: Ёзувчилар уюшмаси кабилар), радио ва телевидения ҳамда сиёсий партиялар ва бошқа ахборот яратувчи ҳамда уни узатувчи муассасалар) ҳамда давлат органлари фаолияти орқали вужудга келадиган, инсонга бутун умри давомида давлат ва жамият қонун-қоидаларни тушунтириб, эслатиб турадиган таъсир тури ҳисобланади.

Ички таъсир эса ташқи таъсир натижасида шаклландиган инсондаги ички ирода ҳамда ўзлигини уйғониш жараёни ҳисобланади. У орқали инсон ҳеч қандай ташқи таъсирларсиз ҳам ўз-ўзини бошқара олиш кўникмасига эга бўлади. Мафкуравий амалиётда барча муассасалар ҳам кишиларга бир вақтни ўзида ҳар икки таъсирни кўрсата олмайди.

Масалан, давлат органларининг аксарияти (масалан: ички ишлар идоралари, прокуратура ва ҳаказолар) кишилар устидан ташқи таъсирни амалга оширади. Бу ташкилотлар фаолиятида кишиларга ички-руҳий томондан таъсир этиш имконияти мавжуд эмас. Лекин, жамиятда шундай мафкуравий муассаса борки, у бир вақтни ўзида инсонларга ташқи таъсир кўрсатган ҳолда айни вақтда уларда ички ирода ҳамда миллий ўзлигини уйғотиш жараёнини ҳам амалга оширади. Бу муассасанинг номи юқорида тилга олганимиздек дунё иморатлари ичида энг улуғи бўлган мактабдир.

Жамиятдаги барча кишилар томонидан айниқса, таълим тизимида фаолият олиб бораётган ўқитувчи ва мураббийлар томонидан мактабга мафкуравий муассаса сифатида ёндашилиши ва бу ерда миллий ғояни сингдириш амалиётини тўғри йўлга қўя олиши ниҳоятда муҳим масала ҳисобланади. Бу масалага тўғри ёндашган жамият аъзолари (айниқса ўқитувчи ва мураббийлар) мафкура соҳасидаги билимлари орқали ўзлари ва ёш авлодларининг бахтли келажакларининг мактабдек мустаҳкам таянч нуқтаси ва қафолатига эга бўлишади.

**Миллий ғоя ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида мактабнинг роли.** Маълумки, жаҳондаги давлатлар, халқлар ва ижтимоий-сиёсий кучлар ўртасидаги муносабатлар, айниқса ижтимоий жараёнлардаги мафкуравий таъсирлар одамлар онги ва қалбига таъсир этмасдан қолмайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги 451-сонли Қарорида таъкидланганидек, “ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси ушбу соҳадаги ишларни ... кўриб чиқишни тақозо этмоқда”.

Бу борадаги энг долзарб вазифа – ўқувчи ёшлар қалби ва онгига она юртга муҳаббат ҳамда садоқат туйғуларини чуқур сингдириш, миллий ғурурни тарбиялаш масаласидир.

Ушбу вазифа билан узвий боғлиқ бўлган муаммо – ёшларнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, ҳаётга онгли муносабат, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш туйғусини оширишдир. Шу маънода олиб қаралганда ҳар қандай жамият ўз истиқболини кишиларни эътиқод даражасига айланган муайян ғояда кўра олади. Чунки, «жамиятнинг, жамият аҳлининг мустаҳкам ва равшан мафкураси бўлмаса, ўз олдига қўйган аниқ бир мақсад-муддаоси бўлмаса, у муқаррар равишда инқирозга юз тутати».

Мана шундай табиий ҳақиқатнинг исботи ўлароқ мамлакатимизда 2001 йил 18 январда Ўзбекистон Президентининг «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида»ги Фармойиши қабул қилинди. Унга кўра таълим тизимининг барча босқичларида “Миллий истиқлол ғояси ва маънавий асослари” фанлари жорий этилди ва мазкур йилдан педагогика институтларида айнан шу йўналиш бўйича мутахассислар ҳам тайёрлана бошланди.

Жамиятда миллий ғояни тарғиб этиш, ҳалқимиз айниқса ёш авлодни турли маънавий таҳдидлардан асраб қолиш учун илмий асосланган ва замон талабларига

мос равишда таълим тизимини танланганлиги жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу айниқса Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қурилишини ғоявий ва назарий жиҳатдан янада жадаллаштиришга имкон яратди.

Мамлакатимизда миллий ғоя ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида мактаб таълимига алоҳида урғу берилаётганлигидан кўзланган асосий мақсад:

– мустақил Ўзбекистоннинг ҳаётини ютуқларини далил-исботсиз атайлаб қоралаш, мустақилликка эришган мамлакатларнинг барчасида мавжуд бўлган умумий муаммоларни «фақат Ўзбекистонда бор» деб талқин қилиш, олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат ютуқлари моҳиятини, давлатимизнинг ташқи ва ички сиёсатини сохталаштириш, бузиб кўрсатишга;

– айрим мамлакатлар турмуш тарзи, сиёсий тизимини бир ёқлама кўкка кўтариш; миллий ғояларимизни обрўсизлантиришга;

– кўпмиллатли Ўзбекистон аҳоли ўртасида ижтимоий ҳамкорликни бузишга қаратилган кайфиятларни тарқатиш ва низолар келтириб чиқаришга;

– одамларнинг диний туйғуларини жунбушга келтириш, диний зиддиятларни пайдо қилиш каби ғаразли мақсадларга бевосита таълим тизимидаги ўқув дарслари ва маънавий-маърифий тадбирлар орқали қарши туришдир.

Дарҳақиқат, бугунги кунда таълим-тарбия тизимини бош мақсади бевосита аниқ ва табиий фанларни пухта биладиган, жаҳон майдонида ўз билими орқали рақобатлаша оладиган айти дамда эса, руҳий жиҳатдан оиласи, ватани ҳамда миллатига нисбатан меҳр-муҳаббат туйғуларни шаклланган ёш авлодни тарбиялашдир.

**Мафкура фақат бугун эмас, балки ҳамма замонларда ҳам энг долзарб сиёсий-ижтимоий масала, ҳар қандай жамиятни соғлом эзгу мақсадлар сари бирлаштириб, унинг ўз муддаоларига эришиши учун маънавий-руҳий куч-қувват берадиган пойдевор бўлиб келган. Ислом Каримов. (“Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир” асаридан).**

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифалардандир. Бошқача айтганда, биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айна замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак».

Маълумки тарбия ўз моҳиятига кўра, кенг ва тор маъноларда истефода этилади ҳамда ижтимоий ҳаётда амал қилади. Кенг маънода оладиган бўлсак, тарбия – ижтимоий-маданий тажрибаларни аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда авлоддан-авлодга ўтказадиган ва шахснинг камол топиши учун шарт-шароитлар яратадиган алоҳида жараёндир. Тор маънода эса, тарбия – ёшларни ижтимоий турмушнинг мураккаб вазиятларига мослаштириш йўлида катталарнинг биргаликдаги аниқ мақсадга йўналтирган фаолиятини, яъни етук шахсни камол топтириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш жараёнини англатади. Ушбу жараёнлар бир-бири билан узвий боғлиқдир. Худди шунинг учун ҳам тарбия орқали ёшлар маънавий жиҳатдан тўғри шакллантиришнинг самарали ташкилий ва педагогик услублари, воситалари ишлаб чиқилиши ҳамда амалиётга жорий этилиши зарур. Буни амалга ошириш жараёни бевосита миллий ғояни рўёбга чиқариш, баркамол авлодни шакллантиришдан иборат бош мақсадга эришишни таъминловчи халқимизнинг миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатларига ва умуминсоний қадриятларига асосланган бўлиши лозим.

Таъкидлаш керакки, биз миллат сифатида жуда катта моддий ва маънавий меросга эга бўлган халқмиз. Ҳозирда бунинг исботи сифатида ЮНЕСКО

томонидан юртимиздаги 4000дан зиёд моддий ва маънавий мерос рўйхатга олинганлигини айтишни ўзи кифоя. Кўриниб турибдики, тарихан шаклланган моддий ва маънавий меросмиз, боқий анъаналаримиз кўп. Бугунги кунда ҳам улардан ёшларни тарбиялашда кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб кўрсатганидек «Биз мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак».

Бугунги кунда, билимлар ва ахборотлар ҳажмининг кўпайиши одамлар дунёқарашининг кенгайиши ва маънавиятининг юксалишига туртки бўлиши шубҳасиз.

Айни пайтда, ёшларда тинимсиз ва кенг кўламда келаётган хабарлар ичидан ҳаққоний, объектив ва фойдали маълумотларни ажрата олиш қобилиятини шакллантириш ҳам жуда муҳим вазифа бўлиб бормоқда.

**Ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз – жамиятимиз аъзоларини, авваламбор, вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир. Ислоҳ Каримов. (“Ҳушёрликка даъват” асаридан).**

Шу нуқтаи назардан қараганда Ўзбекистонда ҳам ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга, маданий, маънавий-ахлоқий кадриятларни сақлаб қолишга йўналтирилган, принципитал “ахборот сиёсати” шакллантирилиб ҳаётга жорий этилмоқда.

#### REFERENCES

1. Балтаева И. Т. и др. USE OF VIRTUAL LABORATORIES TO CONDUCT FOOTBALL TRAINING //MODERN SCIENCE AND RESEARCH. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 709-718.
2. Jumayev U. X., Kazoqov R. T., Abdusalomov I. K. QUANTITATIVE EVALUATION OF QUALITY INDICATORS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 229-240.
3. Qutlimurotov I. X. et al. THE PROCESS OF ORGANIZING EDUCATIONAL ACTIVITIES OF STUDENTS AND MASTERING PERSONAL PROFESSIONAL KNOWLEDGE //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 869-879.
4. Солиев И. Р. и др. МОРФО-ФУНКЦИОНАЛ ВА АНТРОПОГЕНЕТИК ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРГА КЎРА ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ ИШЧАНЛИК НАТИЖАЛАРИНИ БАШОРАТ ҚИЛИШ //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 6.
5. Тажибаев С. С. и др. ЖАХОН ЧЕМПИОНАТИ 2022 ЙИЛГИ ФУТБОЛЧИЛАР АНТРОПОМЕТРИК ЎЛЧАМЛАРИ ВА ТЕЗЛИК СИФАТИ ОРАСИДАГИ КОРРЕЛЯЦИЯНИ ЎРГАНИШ //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 6.
6. Тажибаев С. С. и др. 13-14 ЁШЛИ ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ ТЕХНИК-ТАКТИК ҲАРАКАТЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШ САМАРАДОРЛИГИ //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 6.
7. Boltayeva I. T. et al. PERIODS OF PRODUCTION EDUCATION. THE PERIOD OF INITIATION, PREPARATION, ACQUISITION AND COMPLETION OF THE PROFESSION //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 561-569.
8. Ganieva M. et al. THE UNITY OF TECHNIQUE, TACTICS AND STRATEGY IN TABLE TENNIS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 1175-1183.
9. Usmonova S. H., Akmurodov M., Kazokov R. THE INFLUENCE OF TEMPERAMENT ON THE CHOICE OF SPORTS ACTIVITIES //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 63-70.
10. Umaraliyeva F. T., Kazoqov R. T. THE ROLE OF SPORTSWOMEN IN THE DEVELOPMENT OF SOCIETY AND IN THE DEVELOPMENT OF SPORTS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 1124-1131.
11. Mustafayeva N. A., Kazoqov R. T. USING THE MAIN CHARACTERISTICS AND POSSIBILITIES OF THE ELECTRONIC SCHEDULE IN SOLVING ISSUES RELATED TO PHYSICAL EDUCATION AND SPORTS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 1115-1123.
12. Kazoqov R. T., Axatov L. K. SPORT TOMOSHASINING ESTETIKASI. – 2024.

13. Jumayev U. X. et al. " PEDAGOGICAL EDUCATION INNOVATION CLUSTER" MEANS COMMON GOALS AND SPECIFIC INTERESTS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 552-560.
14. Umarov D. X. et al. NATIONAL MOVEMENT FOR THE DEVELOPMENT OF PRIMARY CLASS STUDENTS'PHYSICAL PREPARATION USING GAMES //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 732-741.
15. Umarov D. X. et al. THE EFFECTIVENESS OF USING A SET OF SPECIAL EXERCISES IN ANNUAL PREPARATION TRAINING OF SHORT-DISTANCE RUNNERS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 742-753.
16. Jumayev U. X. et al. " PEDAGOGICAL EDUCATION INNOVATION CLUSTER" MEANS COMMON GOALS AND SPECIFIC INTERESTS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 552-560.
17. Turopovich K. R., Rixsibayevna D. S. ENHANCING ENGLISH LANGUAGE LEARNING THROUGH PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES. – 2024.
18. Kazakov R. T. et al. MULTIMEDIA SYSTEMS AND DISTANCE LEARNING TECHNIQUES IN SPORTS SOX //Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 9. – С. 99-105.
19. Казоқов Р. Т. и др. МАМЛАКАТИМИЗ ЯНАДА ЮКСАЛИШИДА БОЛАЛАР СПОРТИНИНГ ЎРНИ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 9. – С. 5-11.
20. Казоқов Р. Т. и др. ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМДА КЕЙС-СТАДИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИНГ НАТИЖАЛАРИ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 111-115.
21. Казоқов Р. Т. Кейс стади технологияларидан фойдаланиб талабаларнинг масофавий таълим технологиялари асосида педагогик маҳоратини шакллантириш //Замонавий футболни ривожлантириш тенденциялари: муаммо ва ечимлари. – Т. 11. – №. 1.
22. Jumayev U. X. et al. "PEDAGOGICAL EDUCATION INNOVATION CLUSTER" MEANS COMMON GOALS AND SPECIFIC INTERESTS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 552-560.
23. Казоқов Р. Т., Мирзабдиллаева А. И., Мирзабдиллаева Х. И. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАРБИЯВИЙ ТАДБИРЛАРДА МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 8. – С. 29-34.
24. Казоқов Р. Т. и др. ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМДА КЕЙС-СТАДИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИНГ НАТИЖАЛАРИ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 111-115.
25. Kazoqov R. T., Djurabaev A. M. Kredit modul tizimi nima //Ta'limni raqamlashtirish sharoitida pedagog kadrlarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish. – 2021. – Т. 4. – №. 4. – С. 198-206.

26. Давурбаева М. Ж., Казоқов Р. Т., Мадаминов М. П. ТАЛАБА ЁШЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ОЛИШДАГИ БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИНТЕРНЕТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АХАМИЯТИ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 26-31.
27. Давурбаева М. Ж., Казоқов Р. Т., Мадаминов М. П. ТАЛАБА ЁШЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ОЛИШДАГИ БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИНТЕРНЕТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АХАМИЯТИ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 26-31.
28. Казоқов Р. Т. и др. КАСБИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ИЛФОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЗАРУРАТИ //GOLDEN BRAIN. – 2024. – Т. 2. – №. 8. – С. 69-77.
29. Казоқов Р. Т., Жўрақўзиев О. О., Эшпўлатов С. С. СПОРТ МУАССАСАЛАРИДА ТАРБИЯВИЙ ТАДБИРЛАРДА МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 13. – С. 238-248.
30. Казоқов Р.Т., Бўриев Б.Ў., Абдиев Б.Ш., Джўрабаев А.М., Туропов А.Р.КУРАШ МИЛЛИЙ СПОРТ ТУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ // МИЛЛИЙ КУРАШ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ МУАММОЛАРИ. - 2023. – Т. 1. – №. 2. – С. 161-163.
31. Джўрабаев А. М., Казоқов Р. Т. Биомеханик таҳлиллар асосида енгил атлетикачиларнинг функционал тайёргарлигидаги корреляция алоқаларининг таҳлили //Yoshlarni qo‘llab-quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yili” ga bag‘ishlangan. – 2021. – Т. 4. – №. 4. – С. 198-208.
32. Bektorov O. Y. et al. MONITORING THE KNOWLEDGE, SKILLS AND SKILLS OF STUDENTS DURING THE TRAINING PROCESS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 342-352.
33. Kazoqov R. T., Vo'ronov A. B. SPORTDAGI DOLZARB YANGILIKLAR //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 15. – С. 47-56.
34. Казоқов Р. Т. и др. SPORT MENEJMENTI VA MARKETINGI: MUAMMOLAR //TENDENSIYALAR VA ISTIQBOLLAR. – С. 1-237.
35. Eshpo'latov S. S. METHODS AND PRINCIPLES OF IMPROVING TECHNICAL AND TACTICAL SKILLS AND PHYSICAL TRAINING OF YOUNG VOLLEYBALL PLAYERS //Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 1296-1302.
36. Kazoqov R. T., Eshpo'latov S. S. YOUNG VOLLEYBALL PLAYERS ARE THE PROCESSES OF ORGANIZING TRAINING SESSIONS //Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 1303-1310.
37. Pirmatov O. Z., Kazakov R. T. ROLE AND PLACE OF SPORTS AND ACTIVE GAMES IN THE GENERAL STRUCTURE OF EDUCATIONAL AND PRODUCTION PRACTICE //Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 9. – С. 125-131.



38. Kazakov R. T., Rasulov Q. Q. TRAINING IN INTERNATIONAL WRESTLING TECHNIQUES AND TACTICS //Modern Science and Research. – 2023. – T. 2. – №. 9. – C. 180-186.
39. Axatov L. K., Burliyev U. K., Kazoqov R. T. AESTHETICS OF SPORTS SPECTACLE //Modern Science and Research. – 2024. – T. 3. – №. 2. – C. 19-28.
40. Kazoqov R., Akmuradov M. PSYCHOLOGICAL FOUNDATIONS OF JUDO //Modern Science and Research. – 2023. – T. 2. – №. 10. – C. 481-488.
41. Kazoqov R. T., Umaraliyeva F. T. DRAW A KINESICYCLOGRAM OF SHORT-DISTANCE RUNNING AND BUILD A TIMELINE //Modern Science and Research. – 2023. – T. 2. – №. 10. – C. 1201-1208.
42. Kazoqov R. T. et al. IMPROVEMENT OF TECHNICAL TRAINING OF SHORT-DISTANCE ATHLETES //Modern Science and Research. – 2023. – T. 2. – №. 10. – C. 1077-1084.
43. Kazoqov R. T. et al. STARTING TECHNIQUE IN SHORT DISTANCE RUNNING //Modern Science and Research. – 2023. – T. 2. – №. 10. – C. 1070-1076.
44. Xalmuxamedov R. et al. ANALYSIS OF THE DEPENDENCE OF THE CONDITIONS OF THE MIDDLE MOUNTAIN OF INDICATORS OF THE INTENSITY ZONES OF TRAINING TRAINING LOADS OF QUALIFIED BOXER WOMEN //Modern Science and Research. – 2023. – T. 2. – №. 10. – C. 473-483.
45. Shoyimardanov S. A., Bobomurodov A. E., Kazaqov R. T. FORMATION OF PEDAGOGICAL SKILLS AND SKILLS IN STUDENTS //Modern Science and Research. – 2023. – T. 2. – №. 12. – C. 425-434.
46. Jumayev U. X. et al. ANALYSIS OF THE FINANCIAL POLICY OF THE RUSSIAN EMPIRE IN OFFICIAL DOCUMENTS //Modern Science and Research. – 2023. – T. 2. – №. 12. – C. 1202-1209.
47. Ziyamuxamedova S. A., Kazaqov R. T., Shukurova S. S. SOME BIOCHEMICAL BLOOD RESEARCHES OF ROWERS DURING PREPRATION PERIOD AND CONTESTS //Modern Science and Research. – 2023. – T. 2. – №. 12. – C. 982-989.
48. Raxmatov B. S. et al. SHORT DISTANCE RUNNING TECHNIQUE //Modern Science and Research. – 2023. – T. 2. – №. 12. – C. 990-1000.
49. Yugay L. P. et al. RECOVERY OF THE BODY OF SHORT-DISTANCE RUNNING ATHLETES DURING SPORTS TRAINING //Modern Science and Research. – 2024. – T. 3. – №. 1. – C. 365-371.
50. Akbarov A. et al. ANTHROPOMETRIC-PHYSIOLOGICAL INDICATORS OF MIDDLE-DISTANCE RUNNERS AND RECOVERY OF THEIR BODY DURING TRAINING //Modern Science and Research. – 2024. – T. 3. – №. 1. – C. 358-364.
51. Kim D. et al. PEDAGOGICAL ANALYSIS OF THE PARTICIPATION OF STUDENT ATHLETES IN THE SWEDISH TEAM AND THE SWEDISH TEAM IN THE UZBEKISTAN CHAMPIONSHIP IN HEIGHT ATHLETICS //Modern Science and Research. – 2024. – T. 3. – №. 1. – C. 346-353.
52. Nurullayeva D. S. et al. ETHICAL PROBLEMS AND THEM IN THE FIELD OF NATURE SOLUTIONS //Modern Science and Research. – 2024. – T. 3. – №. 1. – C. 480-486.

53. Kazaqov R. T., Djo'rabayev A. M. MEANS OF RECOVERY OF WORKING CAPACITY OF SHORT-DISTANCE RUNNERS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 902-911.
54. Kazoqov R. T., Djo'rabayev A. M. DEVELOPMENT OF CYBER SPORTS IN UZBEKISTAN //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 893-901.
55. Yaqubov F. M. et al. METHODOLOGY OF SELECTION OF 10-12-YEAR-OLD PLAYERS AND ORGANIZATION OF TRAINING //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 1271-1279.
56. Казоқов Р. Т. ҚИСҚА МАСОФАГА ЮГУРУВЧИЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ВА МАХСУС ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ //Fan-Sportga. – 2022. – №. 7. – С. 53-55.
57. Djo'rabayev A. M., Kazoqov R. T. O'ZBEKISTONDA KIBERSPORTNI RIVOJLANISHI. – 2024.
58. Baltayeva I. T. et al. USE OF VIRTUAL LABORATORIES TO CONDUCT FOOTBALL TRAINING //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 709-718.
59. Baltayeva I. T. et al. CREATING AN INFORMATION-EDUCATIONAL ENVIRONMENT USING MODERN INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 700-708.
60. Melziddinov R. A., Akramov B. N., Kazoqov R. T. THE RELATIONSHIP OF THE EFFICIENCY OF TECHNICAL-TACTICAL ACTIONS OF FOOTBALL PLAYERS WITH THE LEVEL OF PHYSICAL PREPARATION //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 1153-165.
61. Umarov D. X. et al. NATIONAL MOVEMENT FOR THE DEVELOPMENT OF PRIMARY CLASS STUDENTS'PHYSICAL PREPARATION USING GAMES //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 732-741.
62. Umarov D. X. et al. THE EFFECTIVENESS OF USING A SET OF SPECIAL EXERCISES IN ANNUAL PREPARATION TRAINING OF SHORT-DISTANCE RUNNERS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 742-753.
63. Jumayev U. X. et al. " PEDAGOGICAL EDUCATION INNOVATION CLUSTER" MEANS COMMON GOALS AND SPECIFIC INTERESTS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 552-560.
64. Boltayeva I. T., Tashnazarov D. Y., Kazaqov R. T. TECHNICAL-TACTICS OF 13-14-YEAR-OLD FOOTBALL PLAYERS EFFICIENCY OF EDUCATIONAL ACTIONS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 6. – С. 91-98.
65. Чанкаев Ў. А., Казоқов Р. Т., Султанова Н. К. ЁШЛАРДА ТАФАККУР ТАЎҚИДЧАНЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ТОБЕЛИК ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ МУҲИМ ШАРТИ СИФАТИДА //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 11. – С. 280-288.
66. Rasulov A. S. et al. CHUQURLASHTIRILGAN IXTISOSLASHUV BOSQICHIDA FUTBOLCHILARNING TEZKOR-KUCH SIFATLARINI RIVOJLANTIRISH //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 11. – С. 307-316.

67. Kazoqov R. T. QISQA MASOFAGA YUGURUVCHI SPORTCHI TALABALARNI HARAKATLANISH TEXNIKASINI BIOMEXANIK KO 'RSATKICHLARDAGI KAMCHILIKLARNI ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALAR YORDAMIDA BARTARAF ETISH HISOBIGA YUGURISH TEXNIKASI TAKOMILLASHTIRISH //Modern Science and Research. – 2024. – T. 3. – №. 11. – C. 271-279.
68. Buraimov I., Kazoqov R. XOKKEYCHILAR FAOLIYATINING FIZIOLOGIK XUSUSIYATLARI //Modern Science and Research. – 2024. – T. 3. – №. 11. – C. 49-56.
69. Allamurodov S. I. et al. O 'ZBEKISTON DAVLAT JISMONIY TARBIYA VA SPORT ILMIY TADQIQOTLAR INSTITUTI LABARATORIYASIDA YENGIL ATLETIKACHILARNING ANTROPOMETRIK VA FUNKSIONAL KO'RSATKICHLARI BO 'YICHA QAYD ETILGAN NATIJALARINING ASOSIY STATISTIK XARAKTERISTIKALARI //Modern Science and Research. – 2024. – T. 3. – №. 11. – C. 39-48.
70. Юсупова Р. И., Қазоқов Р. Т., Султанова Н. Қ. METHODS OF MUSCLE TENSION TO DEVELOP QUICK-STRENGTH SKILLS IN GYMNASTS //Modern Science and Research. – 2024. – T. 3. – №. 10. – C. 471-479.